Рес. китобхо... УзССР

150 ДОЛЛАРЛИК СТИПЕНДИЯ

Мамлакатимизда йилдан-йилга иқтидорли ва билимли ёшлар кўпаймоқда. Истеъдодли ёшларимиз эса ривожланган хорижий мамлакатларда таълим олишмоқда.

Ўтган йилнинг декабрида ТошДУ журналистика факультетининг 2-курс толиби Шерхон Қораев Японияниинг "Суитом Корпорейшнз" стипендияси учун бўлиб ўтган танловда ғолиб чиқиб, 150 доллар стипендия олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

ВОҚЕАЛАР

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА БОРАДИ

Нурота туманидаги "Нуржаҳон" фольклор-этнографик дастаси ўтган йили "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" номини олган эди. Халқ оғзаки ижоди анъаналарига таяниб, қадимий урф-одатлар асосида ўз репертуарини бойитаётган бу жамоа шу кунларда халқаро сафарга ҳозирлик кўрмоқда. "Нуржаҳон" май ойида Германияда бошланадиган жаҳон халқлари фольклор фестивалида иштирок этади.

Музаффар ШАРОПОВ.

"Хива сополи" ҳиссадорлик жамиятида. Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

БАЙРАМДА ФАҚАТ ЭГИЗАКЛАР

Айтишларига қараганда, эгизакларнинг ўз олами бўлармиш. Ғиждувон тумани ҳокимлигида "Эгизаклар" деб номланган ўзига хос байрамнинг ўтказилиши одамларда ана шунга ишонч ҳосил қилди. Оз эмас, кўп эмас, 600 нафар эгизакнинг ташриф буюриши, уларнинг бир томчи сувдек бир-бирига ўхшашлари йиғилганларни ўзига хос ҳайратга солди. Туман ҳокими А. Мўминов, "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими раиси С. Қодирова эгизакларга совғасаломлар инъом этишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ХАБАРЛАР

"МУСТАҚИЛЛИК, ЭКОЛОГИЯ, САЛОМАТЛИК"

Наманган вилояти ҳокимининг қарори билан ўтган йили бошланган "Мустақиллик, экология, саломатлик" кўрик-танлови якунланди. Норин туманидаги Учқўрғон марказий шифохонаси, Косонсой туманидаги Худойбердиев номли ҳиссадорлик жамияти кўрик ғолиби бўлишди. Бундан буён вилоятда экология ва саломатлик масаласига долзарб мавзулардан бири, деб қараладиган бўлди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1998 йил 17 январь, шанба • № 7 (22.244). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенкони қабул қилди.

Ислом Каримов юксак мартабали меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон — Украина муносабатлари жадал ривож топаётгани, икки мамлакат иқтисодий интеграциялашуви суръатининг тобора юксалаётгани ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари қувонарли даражада мустаҳкамланаётганидан мамнуният билдирди.

— Ҳар икки мамлакат иқтисодиётида бири-бирининг эҳтиёжини қондирадиган имкониятлар кўп, -деди Президент. — Шу маънода Ўзбекистон ва Украина ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалардан, шубҳасиз, ҳар икки мамлакат бирдек манфаат кўради.

Украина Бош вазири Ўзбекистонга ташрифи самарали ўтаётганини айтиб, Ўзбекистон — Украина қўшма комиссиясининг иккинчи ялпи мажлиси ҳар томонлама фойдали бўлганлигини қайд этди. Икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан қарор топган ва бугун ўзининг юқори поғонасига кўтарилган узаро муносабатларимиз мамлакатларимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқларимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир У. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Сметанин ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ОЛМОНИЯДАН ҒИЛДИРАКЛИ ШИФОХОНА

Тошкентдаги академик Ш. Алимов номидаги фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтига Олмониядан ажойиб совға келди. Замонавий тиббий ускуна махсус автобусга жиҳозланган бўлиб, ундан фойдаланиш қулайлиги билан ажралиб туради. «Сил касаллигининг олдини олиш, ташҳис қўйиш, даволаш каби тиббий муолажаларни бажаришда бундай ускунанинг аҳамияти катта, дейди институт директори А. Убайдуллаев. — Ўзиюрар шифохона билан дастлабки тиббий кўрикларни Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ўтказмоқчимиз.

Хонбиби ҲИММАТ қизи.

УЙ КАЛИТЛАРИ МАЙДА ТОПШИРИЛАДИ

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор қилинмоқда. Жумладан, шаҳардаги корхона, идора, бошқарма, комбинат, заводларнинг жамоалари бундай оилаларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ҳовлили уй қуриб беришга қарор қилишди. Нукус шаҳар ҳокимлиги ташаббусни маъқуллади. Йигирмата ҳовлида шинам уйлар қуриш бошлаб юборилди. Май ойида ногирон ва ночор кишиларга янги уй калитлари топширилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Кеча Берлин шаҳрида 63-марта анъанавий «Яшил ҳафта» деб номланган йиллик халқаро қишлоқ хўжалик кўргазма-ярмаркаси очилди. Ушбу кўргазма ўтган асрнинг 80-йилларида биринчи бор ўтказилган эди. 1926 йилда эса ярмарка ўзининг доимий номига ва ҳамиша ўтказиладиган маконига эга бўлди. Бу сафар ярмаркада қишлоқ хўжалиги техникаси, зотли уй ҳайвонлари ҳамда сайёрамизнинг бешта қитъасидаги 56 мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва уни асраш технологияси намойиш этилмоқда.

* * *

Кеча Вашингтонда АҚШ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Хартия имзоланди. Маросимда АҚШ, Эстония, Латвия ва Литва президентлари иштирок этишди.

* * *

Кеча Прагада АҚШ, Канада, Япония, Буюк Британия, ГФР, Италия, Франция, Россия, МДҲ ва шарқий Европанинг бошқа мамлакатлари иқтисодиёт, саноат ва савдо вазирларининг бешинчи конференцияси якунланди.

* * *

Алмати шаҳрида Марказий Осиё, Россия, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕЙ ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари конференцияси давом эттирилди. Анжуман жараёнида наркобизнесга қарши ҳамкорликдаги кураш чоралари муҳокама қилинди.

* * *

Бирлашган Тожикистон муҳолифати миллий тотувлик комиссиясидаги ўз фаолиятини тўхтатишга қарор қилди. Бу ҳақда муҳолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий баёнот берди. Муҳолифатчилар Тожикистон ҳукуматини 1997 йилнинг 26 июнида Москвада имзоланган тинчлик ва миллий тотувликни ўрнатиш ҳақидаги келишув шартларини бажармаётганликда айблашмоқда.

* * *

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев телефон орқали гаплашдилар. Суҳбатда асосан интеграцион тўртлик — Россия, Қозоғистон, Белорусь, Қирғизистоннинг 22 январь куни Москвада бўлиб ўтадиган мажлисига тааллуқли масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, МДҲнинг навбатдаги саммитига тайёргарликнинг қандай бораётганлигига ҳам эътибор қаратилди.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш масалалари Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида бўлган халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияси кун тартибининг негизини ташкил этди.

* * *

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг пленумида демократик ислоҳотлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш шароитида касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

* * *

Маълумки, бу йил Оила йили. Шу муносабат билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими матбуот, телевидение ва радиода Оила йили мавзуини кенг ёритишга эришиш мақсадида «Улуг ва аҳил оила» шиори остида энг яхши публицистик асарлар учун танлов эълон қилди.

* * *

«Нукус — Ялчинел ЛТД» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ош тузи бугунги кунда четга ҳам экспорт қилинмоқда. Маҳсулотнинг дастлабки туркуми Россияга жўнатилди. Туркманистондан ҳам буюртма олинган.

* * *

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказида «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тамойиллар ва уларнинг Ўзбекистон шароитида татбиқ этилиши» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. БМТнинг тараққиёт дастури доирасида ташкил этилган бу семинар юртимизда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштириш муаммоларига қаратилди.

БОЛАЛАРГА СОВҒА

Фориш туманидаги 30-чўпон болалар уй-интернатида қувончли воқеа бўлди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими 400 нафар бола тарбияланадиган бу интернатга 13 минг сўмлик совға инъом этди. Совғалар орасида қизиқарли китоблар, ўқув қуроллари, расм дафтари ва бошқа нарсалар бор. Совғаларни «Соғлом авлод учун» вилоят жамғармаси раиси — вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев топширди. Айни пайтда болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул дори-дармонлар улашилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

НУРАЁТГАН САРДОБА

Лўқма

Кармана шаҳридаги «Қосим Шайх» масжиди шарқона услубда қайта таъмирланди. «Мирсаид Баҳром» мақбарасида озми-қўпми ишлар қилинди.

Аммо «Работи Малик» дарвозаси ва унинг ёнидаги гумбазли ғиштин ҳовузга келганда сусткашлик бошланди. Натижада X — XI аср меъморчилигига оид тарихий обидалар айтарли нураб бўлди. Биз 1069 — 1079 йиллар давомида тикланган «Работи Малик», яъни буюк карвонлар қўрғонини асл ҳолига қайтариш фикридан йироқмиз. Бунинг уддасидан чиқиш қийин, албатта. Бироқ, бизгача етиб келган дарвозани таъмирлаш, гумбазли ҳовузни асраб қолиш қарз ва фарздир!

«Работи Малик» дарвозаси ёнидаги ноёб пишиқ ғиштдан бежирим қилиб ишланган сардобани «Нураётган ҳовуз» дейиш мумкин. Чунки, у айни пайтда қамиш ва ботқоқлик орасида булиб, зах сув ичида қолиб кетган. Унинг ифлос сувини тортиб ташлаш, сардобани қайта таъмирлаш, йул атрофини тозалаб, обод қилиш лозим. Навоий вилояти ҳокимлиги мазкур тарихий обидалар таъмири ва қурилишига оид режа ва маблағга эга. Аммо бу режанинг қачон амалга ошиши, усталар қачон иш бошлаши ҳалигача номаълум. Сансалорлик давом этаверса, ҳадемай сардоба ҳам, унинг ёнидаги «Работи Малик» дарвозаси ҳам нураб булади. Оқибатда бизгача етиб келган тарихий обидаларнинг яна иккитасидан айриламиз. Бу айрилиқ эса улкан тарихимизнинг ҳам бир қисмидан айрилиш булур эди. Бугунги кунда юртбошимиз Фармони билан музейлар фаолиятини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Сардобаю роботлар эса отабоболаримиз қули билан яратилган маънавиятимиз сарчашмаларидан ҳисобланади. Очиқ майдондаги бундай музейларни асраш эса шу куннинг вазифасидир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот сабоқлари

ПАЙ — МУЛК КАФОЛАТИ

Йўлбошчимиз Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқида «... пай ва пайчилик муносабатларининг оила пудратига асосланган меҳнатни ташкил этиш билан уйғунлашуви қишлоқда мулк муаммоларини ҳал қилишнинг энг мақбул йўлидир», деб таъкидлади. Қишлоқ хўжалигида кенг қамровли ислоҳотларга киришилар экан, мулк муносабатлари ва шу асосда меҳнатни ташкил этишни тубдан кўриб чиқиш мақсаднинг марказига қўйилди. Шубҳасиз, самарадорлик меҳнатни ташкил этишга боғлиқ экан, одамларнинг меҳнатга иштиёқи унинг натижасидан, демак, мулкка эгаликдан пайдо бўлади. Шўро тузумида «мулкка жамоа эгалиги» (колхоз) деган сохта тушунча пайдо бўлди. Бу, аслида, мулкнинг ҳеч қандай эгасизлиги эди — мулкни истаганча ўмариш, талонторож қилиш мумкин эди, лекин бунинг учун ҳеч ким (чунки «жамоа» дегани аниқ шахс эмас) жавоб бермас, жавобгарликни раис ҳисобчига, ҳисобчи ҳосилотга, ҳосилот табиатга ағдариб, сувдан қуруқ чиқиб кетаверар эди. Моддий манфаатдорлик бўлмагач, эса меҳнатга муносабат сийқалашиб, ҳамма қўл учида, номига ёки раҳбарларнинг мажбурлаши билан ишлашга ўтиб қолганди.

Ана шундай катта хатони тўғрилаш сари илк қадамлардан бири сифатида пайчилик жамоаларини ташкил этишга ўтиляпти. Албатта, бу янгилик кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Хўш, **пайнинг ўзи нима?** Буни мутахассислар шундай тушунтиришади: **«Мулкий пай,** бу — хўжалик аъзосининг яратилган умумий мулкдаги ўзининг меҳнат улушига мос келадиган пул ифодасидаги ҳиссадир». Бу ҳисса шундай аниқланади: хўжаликнинг жами мулки ҳисоб-китоб (инвентаризация) қилинади, яъни умумий қиймати аниқланади. Шундан кейин ҳар бир аъзонинг улуши ҳисобланади. Бунинг учун аъзонинг неча йил ишлагани, ҳар йил қанча маош олгани (меҳнатга иштирокини аниқлаш мақсадида) ҳисоблаб чиқилади ва унинг миқдори умумий қийматдан белгилаб қўйилади. Ана шу улуш махсус ҳужжат (сертификатда) қайд этилади ва эгасига топширилади. Бундан ташқари хўжаликнинг ер майдони ҳам баҳоланади ва ундан ҳар бир аъзонинг улуши аниқланади. Бу **ер пайи** дейилади. Ер пайи ерни сотиш—сотиб олиш ҳуқуқини бермайди, балки ерга эгаликни кафолатлайди.

Пайчилик жамиятлари **ихтиёрий асосда** тузилади. Пай эгаси жамоага киришни хоҳламаса, ўз пайини жамоанинг бошқа аъзосига сотиши мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалик ширкати (пайчилик жамияти) аъзоси пайга эга бўлиши билан умумий мулкка эга бўлади. Қишлоқ хўжалик ширкатининг **колхоздан асосий фарқи** шу. Агар колхозчи аъзоликдан бўшаб кетаётганда фақат меҳнат дафтарчасини олиб кетган бўлса, ширкат аъзоси қўлида мулк кафолати бўлади.

Шўро тузуми давридаги **совхозларда** хўжаликнинг бутун фаолиятини давлат бошқарган. Унинг фойдасини ҳам, зарарини ҳам давлат кўрган. Бундай муносабат, табиийки, одамларнинг фаоллигини сўндириб, уларни боқимандага айлантириб қўйган. Ширкатда эса ҳар бир аъзо самаралироқ ишлашга интилади, чунки у йилни зарар билан якунланишининг салбий оқибатини ёки фойданинг афзаллигини ўз турмуши мисолида яхши билади.

Пайчилик мулкка дахлдорлик, меҳнатни ташкил этиш, пировард натижадан манфаатдорлик омилларига кўра **акционерлик жамиятларига** ўхшаб кетади, бироқ бу иккаласи бир хил жамоа эмас. Олайлик, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига 50 нафаргача киши аъзо бўла олади, пайчилик жамиятларига бундай миқдорни аъзоларнинг умумий йиғилиши белгилайди.

Пайчилик жамиятининг тартиблари пай эгасининг пайга бўлган ҳуқуқини чеклаб қўймайди, балки **пай эркин муомалага хизмат қилади.** Пай эгаси ўз пайини шу жамоанинг истаган аъзосига сота олади ёки уни мерос қилиб қолдиради. Шунингдек, бундай жамоага аъзо бўлиш ихтиёрий бўлиб, ундан чиқиб кетиш ҳам мумкин. Ихтиёрийлик асосида тузилган жамоанинг фаолияти умумий йиғилиш орқали бошқарилади. Умумий йиғилишда бошқарув аъзолари ва бошқа назорат қилувчи тузилмалар сайланади...

Янгича шаклдаги бундай жамоаларни тузишдан мақсад — одамларда **мулкка эгалик ва моддий манфаатдорлик туйғусини кучайтиришдир.** Шу билан бирга маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, илғор усулларни қўллаш ва бошқа самарали воситаларни жорий этиш эвазига сарфланган меҳнат бирлигига нисбатан энг юқори унумдорликка эришиш ва шу туфайли йилни фойда билан якунлаш жамоанинг диққат-эътиборида бўлади. Соф фойда пай эгаларига унинг миқдорига қараб тақсимланади **(дивидент сифатида берилади).**

«Соф фойдадан ажратилган дивидент фондни, — дейди иқтисод фанлари доктори Курбон Чориев, — мулкий ва ер пайларига нисбатан икки йўл билан тақсимлаш мумкин. Биринчи, мулкий ва ер пайлари қўшилган ҳолда бир сўмлик умумий пайга тўғри келадиган дивидент бирлиги аниқланади ва у ҳар бир аъзонинг умумий мулки (мулкий ва ер пайи биргаликда ҳисобланади)га кўпайтириш орқали унга тегишли дивидент сўммаси ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда эса жамият умумий йиғилиши қарори билан соф фойдадан ташкил этилган дивидент фонди икки қисмга, яъни мулкий ва ер пайларига алоҳида-алоҳида ажратилади. Ҳар бир қисм дивидент аъзоларнинг мулкий пайларига ва ер пайларига нисбатан алоҳида ҳисоблаб чиқилади».

Пайчилик хўжаликларида меҳнат йиллар давомида амалиётда ўзини оқлаган **оилавий пудрат шаклида** ташкил этилиши тавсия этилмоқда. Оилавий пудрат қишлоқ аҳлининг шаклланган анъаналарига, шахсий манфаатини умумоила манфаати билан уйғунлаштириш имкони яратилишига асосланади. Маълумки, оилавий пудрат муносабатлари жамоа хўжалиги бошқаруви билан ҳар бир алоҳида оила бошлиғи ўртасида тузилган шартнома асосида юритилади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигини қайта ислоҳ қилишнинг уч шакли юзага келади: **пай шакли, оилавий пудрат, қишлоқ хўжалиги ширкати.** Албатта, «мулк эгаси — жамоа, аслида — ҳеч ким эмас» тамойилида тузилган колхоз, совхозлар ўрнига қайта ташкил этилаётган бундай мулк шакллари мавҳум тушунчалар эмас, балки тажрибада синалган қишлоқ хўжалик корхоналаридир. Бундай бошқариш шакллари 26 та хўжаликда синаб кўрилди ҳамда ўзининг афзаллигини намоён қилди. Кўплаб ёпиқ турдаги пайчилик жамиятлари йилни бир неча миллионлаб соф фойда билан якунлади. Бироқ баъзи хўжаликларда пайчиликнинг моҳиятини тушунмай, уни иш юритишда тўла жорий этилмаганлиги туфайли кутилган натижаларга эришиб бўлмаяпти. Масалан, Наманган вилоятидаги Мингбулоқ туманига қарашли «Хоразм», Тўрақўрғон туманидаги «Намуна» ҳиссадорлик жамиятларида шундай ҳол кузатилди. Аҳволни таҳлил қилиш шуни кўрсатяптики, пайчилик жамиятининг аъзолари бундай янги иш шакли билан атрофлича таништирилмаган, кўпчилик бу ҳақда оддий тушунчага ҳам эга эмас. Ҳисоб-китоблар чалкаштириб юборилган. Пай миқдорини белгилашда, дивидент тақсимлашда ҳолис йўл тутилмаган. Дастлабки хулосалар кўрсатяптики, хўжаликни пайчиликка ўтказиш меъёрий ҳужжатларда белгиланган **қоидаларга тўла амал қилган ҳолда амалга оширилса,** ҳар бир аъзо ўз **ҳуқуқи ва мажбуриятини тўла тушунсагина** кутилган самарани беради. Пай мулкка эгаликни кафолатловчи усул эканлигини ҳамма тушуниб етиши керак.

Ҳаким САТТОРОВ,
Абдурауф ҚОРЖОВОВ.

Биз бундан кейин ҳам қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, қишлоқ аҳолисини турмуш шароити бўйича шаҳар аҳолисидан қолишмайдиган даражага етказишга ҳаракат қилишимиз лозим.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг Олий Мажлис X сессиясида сўзлаган нутқидан).

ҚИШЛОҚ КЛУБЛАРИГА МУНОСАБАТ

ЁКИ МАЪНАВИЯТ КЎЗГУЛАРИ НЕГА ХИРА ТОРТДИ?

Клубдек оммавий ва таъсирчан воситадан ҳали ҳамма жойда ҳам тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Клуб-ку бор, лекин уларда яратилган шарт—шароитлар ҳар хил. Тадбирлар орасида лекция ўқишлар кўпроқ. Бунинг устига аҳолини қизиқтирган мавзулардаги лекциялар бўлса ҳам майли-я? Тўғри, ислоҳотларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш, ишонингки, ўқилган лекцияларнинг сони, тадбирларнинг оз - кўплиги билан ўлчанмайди.

Фақат миқдоргагина эътибор бериш бу борада кўнгилдагидек натижалар бермайди. Аҳоли турли табақаларининг истак-эҳтиёжларини ҳисобга ола билишда гап кўп.

Қисқаси, мустақиллик ғоялари, ислоҳотлар самараси одамларнинг онги ва ҳис-туйғуларига кучли таъсир этиш орқали руёбга чиқишини унутмаслик керак. Гап бевосита кадрлар масаласига бориб тақалаётганига эътибор бераётган бўлсангиз керак. Гоҳида махсус ўқув юртларини тугаллаган ёшлар, айниқса қишлоқ жойларда эндигина иш бошлаганларида бирон янгиликни жорий этишга дадил киришсалар, уларни қуллаб-қувватлаш ўрнига, бошқа ишларга чалғитиш ҳоллари учраб турибди. Суҳбатларда шу нарса аён бўлдики, кўпгина ёшларнинг ғайратидан, изланувчанлигидан, бу янги кучлардан унумли фойдаланиш ўрнига уларни хўжалик ишлари билан ортиқча банд қилиб қўйиш ҳоллари оз эмас. Лоақал маҳалларни бир кўз олдимизга келтирайлик. Амалий тадбир ўрнига айрим йиғилишлар қуруқ панд-насиҳатга айланиб кетади. Ёки минбарда нутқ сўзлаётганларнинг сўзи билан иши бир эмас. Сўз бошқа, иш бошқа бўлгандан кейин унинг таъсир кучи қаёққа ҳам борарди? Маҳалладаги ҳар бир катта-кичик қалбига йўл топа билиш, дилкашлик, уларнинг бугунги талаб-эҳтиёжларини чуқур тушуниш ва ўз ортидан эргаштириш йўли билангина ислоҳотлар нафасини ҳам, қадриятларимиз, янги урф-одатларимизни ҳам фуқароларга чуқур сингдириш мумкин. Халқимизнинг асрлар бўйи қадрлаб келаётган қадриятлари, урф-одатлари мустақиллик даврида янгича мазмун кашф этиб боряпти. Баъзи эски урф-одатлар бугунлай йўқолиб бормоқда. Кишиларда фикрлаш, тафаккур янгиланмоқда. Бу табиий ҳол. Аммо ўтмиш сарқитлари яшовчан бўлишини унутмаслик керак. Юртбошимиз бир неча бор таъкидлаб ўтганларидек, эскилик ботқоғига ботган кишилар онгида сарқитлар шунчалик чуқур ўрнашиб қоладики, унча-мунча лекция, насиҳат, қуруқ гап билан уни йўқотиш қийин. Агар маҳалла, корхона, жамоада бундай кишиларнинг гапи кўпчиликка ўтадиган бўлса, бунга мутлақо бепарво қараш мумкин эмас. Уларни ўз ҳолига қўйиб бўлмайди.

Давр янги, тафаккур ўзгармоқда. Ҳар бир киши бугун жамият менга нима берди деб эмас, мен жамиятга нима бердим деб ўз қилган ишларини виждон тарозусида ўлчаб кўрадиган пайт...

Агар клубларимизда ўтказилаётган барча тадбиру суҳбатларни ана шу юқорида айтилган фикрлар мезони билан ўлчаб кўрсак, ҳамма нарса равшан бўлади. Гапни мухтасар айтсак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ! Аввало, ҳар бир тадбиримиз самарасини олдиндан пухта чамалаб кўрмоғимиз керак. Бефойда ваъзхонликдан не наф! Лекция ёки тадбирлар сонини кўпайтиришнинг самараси борми? Тўғри, бу борада мамлакатимизда ибрат бўлгудек клублар кўп. Ютуқларимиздан кўз юммаган ҳолда ўтказиладиган тадбирларимизнинг сифати ва самарасига эътиборни жалб этсак, асло фойдадан ҳоли бўлмайди. Қуйида айрим вилоятларда, туман ва қишлоқларда бу борадаги ҳақиқий аҳволнинг гувоҳи бўлган мухбирларимизнинг фикрлари билан танишсангиз, клублар фаолиятини жонлантириш учун нималар қилиш зарурлиги ойдин бўлади-қолади.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

АНДИЖОН

Кейинги вақтда Марҳамат туманидаги қатор клуб ва кутубхоналар фаолиятида замонга ҳамқадамлик намоён бўлмоқда. Авваллари мослаштирилган жойдаги туман марказий кутубхонаси замонавий, қўшқават, кўркам бинога кўчди. Китоб фонди маънавий қадриятлар ва ўзлигимизни англаш асосида бойитиляпти.

— Китобхонларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди марказий кутубхона бўлим мудири Замирахон Солиева.— Республика, вилоят, туман миқёсидаги 27 та газета, ўнлаб журналларга обуна бўлганмиз. — Шунинг учун ҳам қироатхонамиздан ўқувчилар қадами узилмайди.

Болалар кутубхонасида бир ойда 1124 нафар ёш китобхонларга хизмат кўрсатилгани мудирани қаноатлантирмайди. Ишни янада яхшилаш ҳақида ўйлайди.

— Эртак, фантастика, илғор техника, иқтисодиёт мавзусидаги янги китоблар кўпроқ бўлса кичкинтойларни янада хурсанд этарди, — дейишди бизга. — Коллеж, лицей, гимназиялар очиляпти. Лекин лотин алифбосидаги китоблар тақчиллиги сезилмоқда.

Кутубхона жамоаси ёшлар дунёқарашини бойитиш мақсадида «Ким бўлсам экан?», «Амир Темур — Буюк Турон фарзанди» мавзуларида суратли кўргазмалар тайёрлади. Ушбу тадбир туфайли кўпчилик маънавий озиқ олди.

Марказий кутубхонанинг жойларда 44 та шаҳобчаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда ҳам китобхон манфаати ҳақида қайғурилаётгани эътиборли.

— Мазмунан эски китоблар ўрнини янгилари ҳисобига тўлдиряпмиз, — дейди 21-шаҳобча кутубхоначиси Мақсудахон Гулдайева, — Маҳалламиздаги таниқли инсонлар ҳаётига ҳам эътибор билан қараймиз. Мисол учун бир вақтлар донгдор бригада бошлиғи бўлиб оламдан ўтган Мўттихон Жумабоева ҳаёти ҳақида давра суҳбати ташкил қилдик. Тадбир қатнашчилар томонидан ижобий баҳоланганидан кўнглимиз кўтарилди.

— Ҳар ойда бир кун кутубхоначиларнинг ўқувини ўтказяпмиз, — дейишди Марҳамат туманида. — Ўқиш давомида албатта битта кутубхонанинг ишини таҳлил қиламиз. Холис баҳо бошқаларнинг иш юритишига кўмаклашяпти.

Кишиларда санъат ва маърифатга ошуфталик кучли бўлса, маърифат масканлари ҳамиша гавжумлашади. Бундан 40 йил аввал қурилган Мадумар Тожибоев номли жамоа хўжалиги клубида концерт дастурлари тез-тез намойиш этилмоқда. Шу боис бўлса керак, клуб ҳамиша кўркам.

Бобохуросан қишлоғида кишилар маданият уйига эътибор билан қараяптилар. Маданият уйи қишлоқ кишиларининг қўшиқ тинглаб, маданий ҳордиқ олиш масканига айланди.

Маърифат масканларидаги илк ижобий ўзгаришлар кишиларни маърифатпарварликка ундаб, санъатга ошуфта этаётгани кўнгилларга ҳушнудлик бахш этяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁ

Сайхунобод тумани маданият бўлимига қарашли «Гулистон» қишлоқ клуби қошида бешта ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Улар сафида 30 дан зиёд санъат ихлосмандлари ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Клуб ўзининг ойлик ва йиллик иш режаларига эга. Яна бир эътиборлиси — ана шу режаларнинг қандай бажарилгани ҳам махсус китобда қайд этиб борилади. Столдаги қалин дафтарчани варақлар эканмиз, дастлабки ёзувлар бундан тўрт йил муқаддам бошлангани, сўнгилари эса ўн беш кунча илгари қайд этиб қўйилганининг гувоҳи бўлдик.

Бироқ, уларга туғдирилаётган шароитлар, ҳомийларнинг бу ишларга муносабатлари ҳақида эса фақат афсусланиш билан гапиришимиз мумкин, холос. Чунки...

Кейинги 2—3 йил мобайнида «Гулистон» ширкатлар уюшмасида уч маротаба раҳбар ўзгарди. Лекин қишлоқ клуби, унинг муаммоларига бўлган эътибор ҳамон ўзгармай қолаётир.

Шунингдек, қишлоқ клубига эътиборсизликда ҳеч ким Гулистон туманидаги «Қизил тонг» жамоа хўжалиги раҳбарлари олдига туша олмаса керак. Клубнинг номиданоқ бу ерда маънавият масаласи сустлиги сезилиб турибди. Бордию вилоят бўйича энг хароб ва энг ташландиқ қишлоқ клублари «танлови» ўтказиладиган бўлса, бу хўжалик клуби сўзсиз биринчиликни эгаллаган бўлар эди.

Афсуски, тумандаги аксарият хўжаликларда раҳбарларнинг қишлоқ клубларига бўлган муносабатлари бир-бирларидан деярли фарқ қилмайди.

Ўрни келганда яна бир муаммо устида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Хусусийлаштириш даври бошланган пайтларда қишлоқлардаги баъзи маданият ходимлари ҳам бу ишга қўл уриб ўзларини кўрсатмоқчи бўлдилар. Бироқ афсуски, уларнинг кўпчилиги бу ишларнинг уддасидан чиқа олмадилар. Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номли ширкатлар уюшмаси клуби тақдирини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Клубни 1994 йилда Улуғбек Азизбоев деган тадбиркор йигит хусусийлаштириб олган эди. Лекин орадан мана, деярли 4 йиллик давр ўтса ҳамки, 350 ўринга эга бўлган, қулай ва баҳаво жойга ўрнашган бу маданият маскани ҳамон эгасиз қолган мулкни эслатади. Чунки унинг эгаси дастлаб бу кошонани қизиқиб олгану, лекин уни энди нима қилишини била олмаётганга ўхшайди. У кишидан, ниятларингиз қандай дея сўрасак: «Халққа хизмат қилиш» дейди. Лекин халққа қандай қилиб хизмат қилажагини ўзи ҳам билмайдиган кўринади.

Ҳозир Сирдарё вилоятида маданият бошқармасига қарашли 133 та, касаба уюшмалари ва хўжаликлар тасарруфида эса 36 та қишлоқ клублари мавжуд. Ана шу маданият ўчоқларига бўлган эътиборни тубдан ўзгартириш вақти келди! Ахир, улар халқимизнинг катта пул-маблағлари эвазига барпо этилган бойликларимиз-ку? Афсуски, ана шу катта маданият ўчоқлари кимларнингдир нўноқлиги ёки эътиборсизлиги ва бошқа турли сабабларга кўра талаб даражасида самара бермаётир. Истиқлолимиз йил сайин улғайиб, камол топиб бораётган экан, бу соҳаларга бўлган қарашларимиз, муносабатларимиз ҳам ўзгармоғи лозим! Ахир, қачон жойлардаги хўжаликлар раҳбарлари маданият ишларига маданиятли муносабатда бўлишни ўрганишади?

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУХОРО

Кейинги йилларда бошқариш осон бўлади, маҳсулот сероблиги таъминланади, деган умид билан Шофиркон туманида йирик хўжаликлар бўлиб юборилди. Ҳозир улар сони 30 та! Барча раҳбарлар маърифий масканларни бутунлай унутдилар. Бунга биз қишлоқ оралаганимизда гувоҳ бўлдик.

Қаюм Муртазоев номли жамоа хўжалиги .:. Сиртдан қарасангиз, идора, клублигини билмайсиз. Чунки, бино пештоқида бирор ёзув йўқ. Клубга кирсангиз ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Томига шундай безак берилганки, ҳайратланасиз. Қанчалар меҳнат сарфланган клуб биноси умри ўтиб одамга тўлган эмас. На ўриндиқ, на дарпарда бор бу ерда. Дераза ойналари синиқ, поллар ифлос.

— Бугун клуб керакми? — сўраймиз, бошқарув раиси Баҳром Мажидовдан.

— Керак бўлади чоғи қурилгандир, — жавоб қайтарди у парвосизгина. — Керак бўлганда 3-4 та бригадир билан мажлис қиламан. Шунинг ўзи етади.

Раиснинг бу гапидан сўнг унга ортиқча савол бермадик. Ахир, 300 колхозчининг сардори шунчалик ҳафсаласиз бўлса, маънавиятдан гап очмаса ҳам бўлади-да.

Сафаримиз аввалида Тезгузарда яхши клуб бор, дейишганди. Мақтанганнинг уйига бор деганларидек, Иброҳим Мўминов номли жамоа хўжалигида бўлдик. Бошқарув биноси ва клубнинг атрофини ёввойи ўтлар босган. Клубга кираверишдаги хонага бош суқиб бўлмайди. Минг бир нарсани учратасиз, нақд омборнинг ўзи! Клуб эшигида эса отнинг калласидек қора қулф. Мудирадан: «Шу аҳволда ишлайсизми» деб сўраганимизда у:

— 17 йилдан буён мудираман. Колхоз 1158 сўм маош беради. Дала шийпонларини безайман, ҳар хил шиор, — деёлди холос. Амалда эса бир тийинлик иш йўқ. Қоровул Р. Ражабов 19 йилдан буён ташландиқ клубни қўриқлагани учун маош олади. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳамро Ҳакимовга эса клуб нима керак?! Тадбирлар ўтказилмаса ҳам одамлар ишлаяптику?!

Бундай аҳволни «Ҳайдаробод», Ф.Хўжаев, Бобур номли жамоа хўжаликларида ҳам кўриш мумкин. Туман маданият бўлими мудири Муҳиддин Шариповнинг таъкидлашича, 14 та клуб фаолият кўрсатармиш. Клуб мудири ҳам спорт йўрикчиси, ҳам фуқаро мудофааси бошлиғи. Касби фарқ қилмайди, раиснинг дастёри бўлса бас.

Когон, Қоракўл туманларидаги маърифий масканлар ҳам йилига бир ёки икки марта очилади, холос. Қоракўл туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги катта клуб фақат ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилганда очилади. Шу боис клуб мудирини излашга ҳожат қолмади. Клубда ўриндиқдан бўлак ҳеч нарсани учратмайсиз. Хўжалик раҳбари Аҳмад Очилов, раис ўринбосари Абдулла Авезовлар клубга ҳам, кутубхонага ҳам киришни ўзларига эп кўришмагач, тарғибот-ташвиқот бўлармиди?

Бухоро вилоятидаги мавжуд 169 та клуб ҳам катта маблағ эвазига қурилган-ку!

Унинг умри нега бекор ўтади?

— Қарасам, шунча безак, нақш билан ишланган ҳашаматли клуб ташландиқ ҳолга келяпти, — дейди Шофиркон туманидаги «Варзонзе» қўшма корхонаси раҳбари Қиём Қўлдошев, — Бобур номли жамоа хўжалиги ундан фойдаланишни хаёлига ҳам келтирмайди. Корхона клубни оталиққа олди. Саҳнага парда тиктирдик. Яқинда «Ўзбекнаво»дан концерт гуруҳини, цирк жамоасини чорладик. Ҳар хил учрашув, танловлар ўтказяпмиз. Ишчиларимиз хурсанд, клубга файз кирди.

Баъзи туманларда клублардан фойдаланишнинг жўнгина йўли топилган. Омбор, цех вазифасини бажараётган клублар ҳам бор. Ромитан туманидаги аксарият қишлоқ клублари каптархонага айланган. Бу билан ҳеч ким бош қотирмайди. Когон туманида айрим клублар бузиб ташланган. Ҳозир бор-йўғи 2та клуб қолган туманда. Хўш, бундан чиқди клублар керак эмасми? Назаримизда, клублар бугун ҳам жуда зарур. Халқимизнинг ҳордиқ масканн, тарбия ўчоғи сифатида ундан ўринли фойдаланиш даркор. Ҳар бир қишлоқ клубидан «Маънавият ва маърифат» маркази сифатида фойдаланилса-чи?!

Қаерда маънавий қашшоқлик устунлик қилса, ўша ерда инқироз юз беради. Талашиб-тортишиш, изланиш — интилишдан кўра бир амаллаб кун кўришни афзал кўрган айрим раҳбарлар фаолият кўрсатаётган жойларда маънавият бўлмайди. Бундай ҳолга тушмаслик учун энг аввало маънавий етуклик даражасига етган кадрларни қўллаш даркор. Шунда қишлоқ турмуш даражаси кўтарилади, маданияти юксалади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁМОННИНГ ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

Комил Бобоев асли Қозоғистон Республикасининг Еттисой туманида туғилган. У Жиззах вилоятининг Дўстлик шаҳрида яшаб келган. Эндигина 26 ёшга қадам қўйган Комилнинг аниқ иш жойи йўқ. Тўғрироғи, боқиманда. У буни ўзига эп билмай, қингир йўл билан бўлсада, пул топиш пайига тушди. Бу борада шериклар ҳам ортирди. Унинг «дўстлари» ака-ука Муҳиддин ва Тоир Зафуровлар ҳозирда қидирувда. Фирибгарликни ўзига касб қилган бу ёшлар алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан кўпгина жабрдийдаларни чув туширишдан, қалтис ҳолатларга қўйган. Хўш, қандай қилиб, дерсиз?

Комил Бобоев қимор деса муккасидан кетадиган, картани қўлига олса ҳийла, найранглардан тап тортмайдиганлар хилидан. Бу йўлда жиноий тил бириктишга устаси фаранг. Шу боис ҳам ўтган йилнинг февралида ака-ука Т. Зафуров, М. Зафуров, У. Нахалов, К. Бобоев ва М. Муминовлар Дўстлик тумани шоҳбекати ёнидаги сомсахонада бирга тушлик қилиб, спиртли ичимлик истеъмол қилади. Шу ерда улар Пахтакор туманида қимор ўйнаш учун қулайроқ уй топиш зарурлигига келишиб олади. Режага асосан улар Пахтакор деҳқон бозорида кундуз соат учларда учрашади. Ниҳоят, Пахтакор шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси 10/2 хонадонда қўним топиб, ўртага карта сузилади. Унгача К. Бобоевга ҳамтовоқ бўлган М. Зафуров ва У. Нахаловлар мақсад тушириш, мана бундай, дея чунтагидан картани олиб икки, уч марта сузиб М. Муминовга кўрсатади. Шунда Муминов Муҳиддин қимор ўйинини билмаслигини айтади. Ҳечқиси йўқ, сенга уч туз, К. Бобоевга эса зот хулис чиқадиган қилиб сузамиз. Қарабсанки, сен ютиб турибсан, деб алдайди. К. Бобоевни чалғитиб турасан қартани алмаштириб сузаман, дея қўшиб ҳам қўяди.

Хуллас, шу тариқа содда М. Муминовни ўйинга чорлашади.

Қиморда картани сузиш гали М. Муминовга келганда Т. Зафуров ёки К. Бобоевни чалғитган киши бўлади. Шунга кўра М. Муминовга 7 чиллик (Т) туз чиллик, ва (Т) туз топпон сузилади. Бобоевнинг қўлида эса 7 қарға, (Т) туз қарға ва «В) валет қарға. Ерга зот бўлиб эса 10 қарға очилади. Ўйинда айтиш бошлангач, шериклар Тоир Зафуров ва У. Нахаловлар карталарини ёпади. Суришиш М. Муминов ва К. Бобоевлар ўртасида қолади. Дастлаб, М. Муминов қўлидаги картадан қувониб ўйинни 1000, 5000, 20.000 сўмгача кўтаради. Шунда Комил Бобоев ишорадан Муминовнинг қўли баландлигини пайқаб, ердаги картани санашга тушади ва Муҳиддин Муминовга сездирмай (В) валет қарға ўрнига (Т) туз гиштни алмаштириб олади. Сўнг юрагини босиб олган Комил Бобоев қўлидаги тилло узукни ечиб 1000 доллар ҳисобида ерга қўяди. У ўйинни 100 минг, 150 минг сўм дея кўтаради. Шунда Комилнинг шериклари ака-ука Тоир ва Муҳиддин Зафуровлар Муҳиддин Муминовни ўртага олиб «қўлингдаги энг йирик карта Комилга 100 минг ва 150 минг қайтар, сўнг оч», дейди. Ниҳоят, кетма-кет юқоридаги сумлар қайтарилгач карта очилади.

Ака-укалар Комил Бобоевнинг 7 қарға, (Т) туз қарға ва (Т) туз гишти М. Муминовнинг картасидан катта эканлигини билдириб, тилёкламалик қилади. Улар ғўёки афсус ҳам чеккандай бўладилар. Орада ғала-ғовур бошланади. Муминов «Узларинг айтдингларку, узларинг тўланглар», дейди. Ака-укалар: «Майли ярмини, яъни 250 мингни ўзимиз тўлаймиз, қолгани сенинг бўйнингда» дейди. Улар қолганини М. Муминовнинг бўйнига қўядилар, унга икки-уч мушт ҳам урадилар. Ҳатто уни қўрқитиб: «Комил Бобоевдан 250 минг сўм олдим, ёнимда гувоҳим бор» деб тилхат ҳам ёздиради ва бир ҳафта муҳлат беради. Унга: «Пулларни 1997 йилнинг 13 февралида соат учда Дўстлик шаҳри шоҳбекатига олиб борасан» дея тайинлайди.

12 февраль куни Пахтакор туманидаги шоҳбекатда Тоир Зафуров ва Комил Бобоевлар М. Муминовни кўриб қолади. Тоир Муминовни уриб, пулни талаб қилади. Муминов эса: «Яна бир кун муҳлат борку» дея шу куни қутилади. Муминов Тоирнинг шарти бўйича 13 февраль куни унинг акаси Пахтакор шаҳри А. Қодирий кўчаси 18/2 уйда яшайдиган Н. Арзиевникига пулни олиб бориши керак эди.

Бу гал ҳам 13 рақами панд берди. 13 февраль куни М. Муминов, Н. Арзиевнинг уйи қаршисида 50 минг сўмни Комил Бобоевга тутқазиб, ундан ўзи ёзган тилхатни олганида тезкор жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан ушланди. Шу ернинг ўзида тилхат ва 50 минг сўм далилий ашё тариқасида олинди.

Ҳар қандай жиноятчи жиноят устида ушланса-ю, аммо жазо тайинланмаса, бу каттароқ яна бир жиноятдир. Шу боис ҳам Комил Бобоев қанчалар уринмасин жазодан қутулолмади. Гувоҳлар, далиллар уммонида қолди. Унинг устидан тупланган барча ҳужжатлар ўз тасдигини топди.

Комил Бобоев 12 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Баҳриддин НОРХЎЖАЕВ,
Дўстлик тумани суди раиси.
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Хатлар, хатлар, хатлар

ОВОЗ ҚАРИМАЙДИ

Бир куни метронинг Беруний йўналишида кетаётиб Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновга кўзим тушиб қолди. Ўртоғимни туртиб: «Анави Зикир акани танидингизми?», деб сўрасам, у киши: «бунчалик қари эмасдиларов, адашингиз шекилли», дея жавоб қайтарди. Ёнгинамизда турган Зикир аканинг овозини эшитиб, ўртоғим ҳаяжонланиб қолди.

— Танидим, танидим, бу ўша, ҳа-ҳа Зикир Муҳаммаджонов эканлар. Ҳамма ҳайрон... Бир нарсага иқрор бўлдим. Йиллар ўтса ҳамки, инсондаги овоз ўзгармай қолар экан...

60-йиллар эди. Қорачадан келган, зуваласи пишиқ ва ширали овоз соҳиби Худойберди Мамадиев тимсоли ҳам ўша йиллар авлодининг хотирасида ҳозир ҳам зоҳир.

Наманганда Ласкидон аталмиш қишлоқ бор. Худойберди ака ана шу қишлоқ одами. Тенгқурлари қатори у ҳам 1958 йилда мактабни тамомлаб Тошкентга ўқишга ошиққанлардан.

Нутқи равон, овози ширали ўспиринни танишлари суҳандон бўлишга даъват этишди. У киши республика радиосидаги танловда қатнашди, ғолиб бўлди. Бу орада «Ўзбекфильм»нинг ўша вақтдаги директори Туроб Тўла назарига тушди. Худойбердининг ҳужжатли фильмларга муҳрланган овози Ўзбекистон телевидениеси ижодкорларига ҳам маъқул тушди. 1959 йил августидаги танловдан кейин Худойберди Мамадиев телестудия суҳандони вазифасига ишга олинди...

У яна ўз қишлоғига қайтиб,ўқитувчилик қилди. Халол хизматлари учун «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишонига муносиб кўришди. Ҳа, инсонда овоз ўзгармайди, дейишгани рост экан.

Мамат МАҲМУДОВ,
Наманган вилояти, Чортоқ тумани.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ТАРКИ ОДАТ–АМРИ МАҲОЛМИ?»

Газетанинг 1997 йил 12 сентябрь сонида чоп этилган «Тарки одат-амри маҳолми?» сарлавҳали мақолада гидлар савияси пастлиги ва сайёҳлик йўналишларида эски тузум номлари билан аталувчи йўл кўрсаткичлари мавжудлиги танқид қилинган эди.

Вилоят ҳокимлигида «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти ва вилоят музей-қўриқхонаси жамоалари иштирокида мақолада кўрсатилган мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

«Ўзбектуризм»нинг республика методик ўқув маркази мутахассислари ва жаҳон туристик ташкилотининг Ўзбекистондаги эксперти Майкл Макналти барча ходимлар билан ўқув-амалий машғулотлари ўтказди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернида нашр қилинган янги йўл кўрсаткичлар, Бухоронинг ҳар бир тарихий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи буклетлар ва китоблар сайёҳлик маршрутлари бўйича тарқатилди. Натижада юбилейга ташриф буюрган юзлаб хорижлик меҳмонлар туризм соҳасида амалга оширилган ишлардан мамнун бўлиб қайтдилар.

Вилоятда туризмни ривожлантиришнинг янги дастурлари ва режалари ишлаб чиқилиб, дастлабки натижаларга эришилмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз Бухорои Шарифни дунёнинг гавжум туризм бозорига айлантиришдир.

Вилоят ҳокими ўринбосари Н. ОЧИЛОВ.

НОГИРОНЛАРГА АВТОМАШИНА БЕРИЛАДИМИ?

Таҳририятимизга шу савол билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳар, Ёрмуҳамедов кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи А. Пирматов мурожаат қилди. Унинг аризасини текшириб, чора кўриш учун Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборган эдик. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармасидан қуйидаги жавоб олинди.

Самарқанд вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси газета таҳририятига ёзилган аризани ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади. 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига ногиронлар учун қўл билан бошқариладиган махсус автомашиналарнинг келиб тушиши тўхтатилган. Шу сабабли республикамизда ногиронлар учун ижтимоий таъминот тизими муассасалари орқали бериладиган махсус автомашиналарнинг берилиши ҳам вақтинча тўхтатилган.

Республикамизда ногиронлар учун автомобилларнинг берилиши жараёни тикланса, хат муаллифи А. Пирматовга қўшимча равишда хабар берилади.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Б. БЎРОНОВ.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Ҳиндистоннинг Ассам штатида бодо қабиласининг қуролланган жангарилари ҳиндулар яшайдиган бир қанча қишлоққа ҳужум уюштириб, 18 кишини ҳалок қилди.

Маълумки, бодо қабиласи Ассам штатида «Мустақил бодоленд давлати»ни ташкил этишни кўзлаб, террорчилик фаолиятини олиб бормоқда. Улар шу йўл билан мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан бу ерга кўчиб келган ҳиндуларни Ассамдан ҳайдаб чиқаришга уринмоқда.

* * *

Тайван пойтахти Тайбэйдаги қариялар уйида ёнғин чиқди. Натижада 11 киши ҳалок бўлди, 10 нафар қария жароҳатланди. Бунга асосий сабаб кекса кишилар ёнғин чиққани аён бўлган пайтдаёқ икки қаватли бинони тарк эта олмаган.

Ёнғиндан қариялар уйи ёнида жойлашган корхона ҳам жиддий зарар кўрди. Кўрилган моддий зарар 10 миллион Тайван доллари миқдоридадир.

* **

Колумбия вице-президенти Корлос Лемос ўн кун мобайнида Президент Эрнесто Сампер ўрнига давлатни бошқаришга киришади. Э. Сампер эса тиббий кўрикдан ўтиш учун Канадага жўнаб кетди.

Колумбия Конституциясига кўра, Президент мамлакатда бўлмаган чоғда унинг вазифалари вице-президентга юкланади. Шуниси қизиқки, Э. Сампер ватанига қайтгач, унинг ўрнини вақтинча бажариб турган Карлос Лемос собиқ президент сифатида тарихда қолади ва нафақага чиққан Президентга бериладиган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланади.

БУ САФСАТА ЭМАС

Сингапур полициячилари наркотик моддалар билан савдо қиладиган жиноятчилар гуруҳини ҳибсга олди. Улардан баҳоси 3,4 миллион АҚШ долларига тенг миқдорида героин тортиб олинган.

Сингапур қонунчилигига кўра, 15 граммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси билан қўлга тушган фуқаро агар 18 ёшдан ошган бўлса сўзсиз равишда ўлим жазосига маҳкум этилади.

* * *

АҚШ ҳаво транспорти уюшмасининг ҳисоботида айтилишича, Америка самолётларида ҳар куни 30 га яқин йўловчи тиббий ёрдамга эҳтиёж сезар экан. Масалан, 1996 йилда бундай ҳодисалар 10 минг марта қайд этилган. 42 нафар йўловчи парвоз пайтида ҳаётдан кўз юмган.

«Ю-Эс-Эй тудей» газетасининг ёзишича, ҳозир АҚШ федерал авиация бошқармаси самолёт бортида керакли тиббий жиҳозларни сақлашнинг янги қоидаларини ишлаб чиқмоқда.

* * *

Индонезиянинг Ява ороллaридаги бир қанча шаҳарларда нарх-навонинг ошиб кетаётгани туфайли тартибсизликлар рўй берди. Мамлакат ҳарбий қўмондонлигининг маълум қилишича, Жембер, Калибару, Пасууран шаҳарларида савдо дўконлари ва бозорлар талон-торож қилинган. Айни вақтда тартибсизликларни бостириш учун полиция ва армия қисмлари жалб этилган. Ҳарбий бўлинмалар ҳукумат идоралари, банк, савдо марказларини қўриқламоқда.

* * *

Сомалида ўтган йилнинг октябрь ойида бошланган кучли ёмғир натижасида юз берган сув тошқини ҳамон давом этмоқда. Халқаро инсонпарварлик ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, юз берган табиий офат ҳозирга қадар 2 мингга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлиб, шунингдек, 33,5 минг бош қорамол ва 60 минг гектар экин майдонини нобуд қилган. Миллиондан ортиқ одам бошпанасиз қолди. Офат юз берган ҳудудларда вабо, терлама ва ўлимга олиб келадиган бошқа юқумли касалликлар тарқалган.

ҲАФТАЛИК

ДУШАНБА, 19

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 19 январь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 5.15 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
18.20 «Иқтидор — 98».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Санъат дўстлиққа чорлайди». Суғдиёна Қоҳирада.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55: 22.10, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 21-қисм.
22.15 «Янги йил базми». 2-қисм.
23.15 М. Низонов. «Ҳадик». Теленовелла.
23.45 «Ахборот».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи» (рус тилида).
18.20 «Ёрилтош». Мульт-туплам.
18.45 «Табиат дунёси».
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.55, 20.25, — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.45 «Камолот». Ёшлар учун кўрсатув.
22.05 «Олтин мерос».
22.20 Кундалик.
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Даракчи» (рус тилида).
23.05 «Ёш Индиана Джонс» хроникаси». Телесериал.
23.55— 24.00 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 15—16-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Буюк Ипак йўли».
8.50 Болалар учун. «Топган топалоқ — кайфияти чоғ».
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 20-қисм.
10.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.30 «Кино янгиликлари».
10.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
11.05 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 Болалар учун. «Омад юлдузи».
12.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.05 «Телевизион миниа-тюралар театри».
13.35—14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.

* * *

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
18.20—21.35

*

21.35 «Кругозор». Теле-журнал.

*

Россия давлат телевиденияси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «КВН. 1997 йил якуни». 2-қисм (давоми).
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.10 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Умр баҳори».
20.05 «Мусиқали танаффус».
20.10 «Жаҳон».
20.30 «Намастэ».
20.50 «Қушиқ умри пойиндор».
21.15 Кинематограф. «Елгиз ўзи из қувлади». 1-серия (Олмония).
22.40 «Спорт-тайм».
23.10 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 20

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм, 17—18-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталар-ининг шарҳи.
8.40 «Олам ва одам».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 21-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Талаб ва таклиф.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 М. Низонов. «Ҳадик». Теленовелла.
12.25 Теннис клуби.
12.40 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.
12.55 — 14.00 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
18.20 Компьютер сабоқлари.
18.45 «Кунгил ойнаси».
19.05 «Шарқ тароналари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бусағасида».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 22-қисм.
22.05 «Барҳаёт наволар». С. Калонов.
22.50 «Долзарб мавзу».
23.25 «Уйғоқ қўлар». Кинокўрсатув.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсол-лари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульт-туплам.
18.35 «100 йиллик саргузашт-лар давомида». Теле-сериал.
18.55 «Сиздан мактуб олдик».
19.20 Мусиқий йўлка. Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Болливудга нигоҳ».
21.20 «Спорт қитъаси».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 «Кинонигоҳ».
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
7.30—9.00

* * *

18.20—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевиденияси.
22.00—22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Парадизо» кино-театри». Бадиий фильм. 1-серия (Италия — Франция).
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.55 «Қишлоқ хўжалик реформаси».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Медицина сизлар учун».
20.50 «ТВ IV да немис тўлқини.
21.10 «Телефакт».
21.20 «Моҳир».
21.40 «Хит-коллекция».
22.05 «Қувноқ кино».
23.35 «Маданий сайр».
23.55 «Дурдаршан».
00.25—00.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 21

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 19 — 20-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нодир хазина».
8.35 «Барҳаёт наволар». С. Калонов.
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 22-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Она тили.

*

11.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.00 Болалар учун. «Мактублар — кабутарлар».
12.20 «Сувости салтанатида». Мультфильм.
12.30 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
12.50—14.00 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Бизни кутар нурли манзиллар».
18.55 Кун тартибида «Миллионлар уйини». Спорт дастури.
19.10 «Ўзбекистон қаҳрамон-лари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.45, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Рассулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 23-қисм.
22.05 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
22.50 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
23.25 «Она бўла қолгин менга табиат».
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсол-лари.

II

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульт-туплам.
18.30 «Табиат дунёси».
19.00 «Жозиба».
19.10 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Уммонга туташ диёр».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадон».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Даракчи» (рус тилида).
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Кинонигоҳ».
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевиденияси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Парадизо» кино-театри». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55 — 00.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.05 Эълонлар.
19.10 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Автосалтанат».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Кинематограф. «Елгиз ўзи из қувлади». 2-серия.
21.45 Дилрабо тароналар.
22.10 «Олтин хазина». Уйғун, И. Султон. «Алишер Навоий». 2-қисм.
23.40 «Бу ажиб дунё».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 22

I

5.05 «Хай». Мультфильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газетала-рининг шарҳи.
8.40 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
9.15 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 23-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бармоқлар сеҳри».
10.20 «Маҳмадона». Мульт-фильм.

Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

*

12.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
12.20 «Остонаси тиллодан».
12.40 «Талаба ва спорт».
13.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Хўжа Насриддин». Мультфильм.
18.20 «Шеър ва шуур».
18.30 «Эл тинчлиги йўлида».
18.55 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.00, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
21.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 24-қисм.
22.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Рақслар гулдастаси».
23.30 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсол-лари.

II

9.00 Мультипанорама.
9.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.35 «Турфа олам».
10.00 «Бари ҳазил».
10.10 «Кенгга — кенг дунё».
10.25 Жаҳон халқлари эстрадаси.
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.30 «Рамазон қўшиқлари».
11.50 Видео — «О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бўш ўтирма». Болалар учун дастур.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.05 «Қатрада қуёш».
19.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Дубляжчилар давра-сида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Даракчи».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 Кино жавонидан. «Амар, Акбар, Антони». Бадиий фильм. 1—2-серия-лар (Ҳиндистон).
00.20—00.25 «Тунингиз хайрли бўлсин».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Чўл тимсоҳи», «Жонажон ўлкам жамоли». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевиденияси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Маскалар». Бадиий фильм.
00.15—00.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.45 «02» тўлқинида.
20.00 «Ракурс».
20.30 «Ҳамшаҳарлар».
20.50 «Ассалом, Сидней!».
21.10 «Каталог».
21.20 «Мусиқий Олимп».
21.45 «Киносалон».
23.05 «7 дан 70 гача».
23.30 «Интер-спорт».
23.50 «Дурдаршан».
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 23

I

5.05 «Илоҳий ишқ». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Куйла, ёшлигим». Эстрада концерти.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 24-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Туташ томирлар».
10.50 «Туйғулар жаранги». Мусиқий дастур.
11.10 «Энг муҳими».
11.30 «Сохибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
12.40 «Меҳр макони».
13.00—14.00 «Сайқал». Видеоканал.

***

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Озод ва обод юрт».
18.45 «Шахматчилар сулоласи».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 25-қисм.
22.15 «Назм ва наво». Чустий лирикаси.
23.10 «Ахборот».

«Мунаввар дунё».
Дам олиш дастури.

23.35 «Олам».
23.55 «Бизни кечиринг». Бадиий фильм.
01.10—01.15 Ватан тимсол-лари.

II

9.00 «Бўш ўтирма». Болалар учун дастур.
9.20 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Қатрада қуёш».
10.05 «Дубляжчилар давра-сида».
10.35 Кино жавонидан. «Амар, Акбар, Антони». Бадиий фильм. 1—2-серия-лар.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Аралаш». Юмористик киножурнал.
19.55 «Яхши дам олинг».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55-Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ғазал соғинчи».
21.20 «Хуш келибсиз».
21.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.20 «Туйғуларим».
22.25 «Бокс. Бокс. Бокс».
22.55 «Даракчи».
23.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.15 «Сюрприз». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.50—23.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
7.30 — 9.00

* * *

18.20 — 21.35

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

Россия давлат телевиденияси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Қорбурон уйини». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 «Маънавият ва Ислом».
20.20 «Бегойим».
20.45 «Мардона йигитлар».
21.00 Араб эстрадаси.
21.35 Кинематограф. «Паногиянинг ўгирланиши».
23.00 «Жума куни ишдан сўнг».
23.25 — 23.30 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 24

I

4.45 «Ойдин кеча». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газетала-рининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бустони». Телеальманах.
9.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 25-қисм.

«Ёшлик» студияси
намойиш этади:

9.40 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.00 «Ёшлар табассуми».
10.20 «Балоғат бекати».
10.40 «Зиёрат».
10.50 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
11.15 «Туркий қавмлар». Қанғли.
11.30 «Жавоҳирлар бустони». Адабий курсатув.
12.05 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
13.25 «Кичкинтой уста-хонаси».
13.50 — 14.05 «Муҳаббат ардогида». Мусиқий дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.15 «Ёшлик» студияси. «Орзулар қанотида».
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталари.
20.05 «Ўзбекистон янгилик-лари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 26-қисм.
22.15 «Навоийхонлик».
22.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас...»

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури.

23.20 «Мусиқали саёҳат».
23.40 «Имкон чўққилари».
23.50 «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 1-қисм.
01.05 — 01.10 Тунги пойтахт тароналари.

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Аралаш». Юмористик киножурнал.
9.30 «Яхши дам олинг».
9.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.30 «Ғазал соғинчи».
10.50 «Хуш келибсиз».
11.05 «Туйғуларим».
11.10 «Бокс, бокс, бокс».
11.40 «Сюрприз». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

* * *

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мафтункор чеҳралар».
20.15 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳанда дўкони».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Кунгил кунгилга пайванд».
22.45 «Интер-футбол».
23.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.15 Видео—«О».
00.50 — 00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
18.50 — 23.50

*

23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.10 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.

IV

10.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.05 Эълонлар.
11.10 «Биргаликда куйлай-лик».
11.55 «Чинсэн».
12.25 «Шанба эртаги».
14.55 — 15.25 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» курсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарх».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Рақслар қанотида».
20.50 «Эсдалик учун дастхат».
21.10 «Ассалом, Франция!».
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 Киносалон.
23.40 «Спорт-марказ».
00.25 «Бу ажиб дунё».
00.40 — 00.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 25

I

5.10 «Бизни кечиринг». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 26-қисм.
11.40 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.25 «Зийнат».
12.45 «Миллий қадриятлар ва давр».
13.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас...»
14.20 «Цирк! Цирк! Цирк!».
14.50 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.10 — 16.00 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла! Изла! Топ!» Телевизион ўйин.
18.40 «Санъат олами».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик курсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.50 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 27-қисм.
21.50 «Янги йил базми». 2-қисм (давоми).
22.55 «Спорт, спорт, спорт».

«Аср муъжизаси»
кинодастури.

23.15 Кино янгиликлари.
23.30 «Ўзбек киноси иқодкорлари».
23.50 «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 2-қисм.
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.45 «Қонун ҳимоясида».
9.55 «Дилбарим».
10.10 «Мафтункор чеҳралар».
10.30 Дилором наволар.
10.40 «Ҳанда дўкони».
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Кунгил кунгилга пайванд».
12.15 «Интер-футбол».
12.35 Видео—«О».

* * *

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Мультипанорама».
18.35 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.55 «Синфдош».
19.15 «Бари ҳазил».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Жараён».
21.20 «Изҳор».
21.45 «Даллас». Телесериал.
22.35 «Даракчи».
22.45 «Миллионлар уйини».
23.05 «Келгуси ҳафтада».
23.20 Таквим. Оҳанглар ва Эълонлар.
23.30 Видео—«О».
01.05 — 01.10 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденияси.
18.25 — 00.15

*

00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.45 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Якшанба эртаги».
11.35 «Ўзбекистон янгилик-лари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон. «Тезлик-1».
13.40 «Ракурс».
14.10 «Араб эстрадаси».
14.40 «Жонли сайёра».
15.00 «Тез келар давлат». Бадиий фильм.
16.35 «Бугунги кун мавзуси».
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевиденияси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.50 «Менинг кучам».
20.05 Клип-антракт.
20.15 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
20.45 Клип-антракт.
20.55 «Телеташриф».
21.15 Жаҳон кино янгиликлари.
21.45 «Мусиқий Олимп».
22.10 Киносалон. «Тезлик-2». Бадиий фильм.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ҚОР ҚАЛИНЛИГИ ЯРИМ МЕТР

14 январь куни ёққан кучли қор Канаданинг 4 миллион аҳолисини электрсиз ва иссиқлик таъминотисиз қолдирди. Шу куни кечга яқин 3 миллион аҳоли яшайдиган Монреалда электр тармоғи тикланди. Лекин салкам 1 миллион аҳоли яшайдиган қишлоқ туманларида 440 мингга яқин уй-жой ҳамон иссиқсиз, ёруғликсиз қолмоқда.

Пайшанба куни эса Япония пойтахтида кучли қор ёғди. Қорнинг қалинлиги шаҳарда 50, тоғларда эса 70 сантиметргача етди. Ҳафта мобайнидаги бу учинчи қорбўрон сабабли 230 га яқин авиарейслар бекор қилинган ёки кечиктирилган. Аэропортларда 30 мингга яқин одам тўпланиб қолган. Симлар узилгани, дарахтлар қулаб тушгани боис икки темир йўл чизиғида ҳам ҳаракат тўхтатилган. Тезкор ҳаракат йўлларига фақат гилдирагида занжири бор машиналаргина чиқарилмоқда.

МХХ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Грознийда Чеченистоннинг Шомил Басаев тузган янги ҳукуматининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни Президент ва ҳукумат бошлиғи Аслан Масхадов бошқарди. Президент Шомил Басаевга ҳукумат бошлиғи вазифасини яна олти ой бажариб туришни топширган. Шу муддат давомида янги ҳукумат мамлакатда авж олган жиноятчиликни жиловлашга, иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга уриниб кўрмоқчи. 13 январь куни Аслан Масхадовнинг фармони билан Чеченистоннинг ички ишлар вазирлиги ва миллий хавфсизлик хизмати тарқатиб юборилган. ИИВ ўрнида Шариат хавфсизлиги вазирлиги тузилган. Миллий хавфсизлик хизмати эса қайта ташкил этиладиган бўлди.

«ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТЎЙМАС» ЭКАН

Югославиянинг Черногория Республикасидаги тартибсизликлар давом этмоқда. Собиқ президент Момир Булатович яқинда бўлиб ўтган сайловларда мағлуб бўлгач, унинг тарафдорлари тинимсиз митингбозлик қилдилар. Ниҳоят, 14 январь куни кечқурун ҳукумат биносига бостириб киришга қарор қилинди. Полиция билан бўлган тўқнашувларда 49 киши турли даражада жароҳат олган, уларнинг кўпчилиги полициячилардир. Полициянинг таъқибидан қочган намойишчилар пойтахт кўчаларида ёқиб юборилган машиналардан баррикадалар қурганлар. Момир Булатович янги сайланган Президент Мило Жуканович билан музокаралар ўтказмоқда.

(ЎзА).

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Қозоғистондаги кимё саноатининг йирик марказларидан бири бўлган Жанатас шаҳрида фосфор ва фосфор ўғити маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган «Фосфорит» ҳиссадорлик жамияти ишчилари намойишга чиқди. 2,5 минг нафардан ортиқ ишчи икки йиллик маошнинг берилмаётганидан қатъий норозилик билдирдилар. Ташкилот биносини ўраб олган намойишчилардан 80 га яқини эса очлик эълон қилди.

Республика статистика ва текширув қўмитаси маълумотига қараганда, Қозоғистонда кейинги йилларда 350 га яқин ташкилот фаолияти б

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi | 1998 yil 17 yanvar, shanba № 7 (22.244). | Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ГОЛЛАНДИЯДА ҲАМ,

Шатранж оламида

1946 йил баҳорида жаҳон чемпиони Александр Алёхин 54 ёшда вафот этди. Бинобарин, шахмат аҳли олдида янги тождорни аниқлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Орадан кўп ўтмай обрўли мутасаддий ва ташкилотчилар жаҳоннинг энг кўзга кўринган гроссмейстерларини Голландиянинг Гринингген шаҳрига тўплаб, улар ўртасида, расмий бўлмаса-да, шахмат кучлари нисбатини аниқлашга аҳд қилдилар.

Кураш шундай қизғин ва кескин тус олдики, айни у жаҳоннинг янги тождорини аниқлаб берадигандек туюларди. Кутилганидек ғолиблик учун асосий баҳс жаҳон экс-чемпиони, голландиялик профессор Макс Эйве билан бўлажак жаҳон чемпиони Михаил Ботвинник ўртасида юз берди. Мусобақа охирларида ўйналган Эйве — Ботвинник партияси Эйвенинг қули баландроқ ҳолда кечиктирилгач, унинг турнир ғолиби бўлиши ҳақида каромату башоратлар қилинди. Ҳа, руҳли эндшпилда Ботвинникнинг бир пиёдаси кам эди. Кечиктирилган вазият давом эттирилганда Ботвинник шундай чиройли юришларни топдики, ҳаммани лол қолдирди. Зеро, учрашув дуранг бўлди. Якунловчи натижа Ботвинникнинг ғалабаси билан тугади. Бу турнир кучлар нисбати қандайлигини аниқлаб берди.

Ўшандан бери бу ерда анъанавий халқаро турнирлар ўтказиб келинади. Яқинда уларнинг навбатдагиси поёнига етди. Турли мамлакатлардан келган 200 дан зиёд машҳур шахматчилар орасида ўзбекистонлик халқаро гроссмейстерлар Рустам Қосимжонов билан Александр Ненашев ҳам бор эди. Бахтни қарангки, 11 имкониятдан 9,5 очко жамғарган, битта учрашувини ҳам бой бермаган Ненашев ажойиб ғалаба нашъасини суриб, бош совринни қўлга киритди. Рустамнинг натижаси ҳам мақтовга сазовор. У 4-9 ўринларни баҳам кўрди. Жаҳон таснифида 36-поғонани ишғол этиб турган Ненашев ўз мақомини яна 20 очкога яхшилади.

1

ОИЛАГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТИБ

Кегайли туманидаги Б. Керимбердиев номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси жамоаси табиий газдан баҳраманд бўлди. Саккиз километрга газ қувурлари ётқизилиб, 18 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Бунёдкорлик ишларини Нукусдаги кўчма механизациялаштирилган жамланма қурувчилари амалга оширдилар. Муҳими, Оила йили бошида деҳқон-фермер хўжалиги хонадонларида арзон ёқилғининг порлаши кўпчиликка қувонч келтирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ТУЗЛУҚҚА ТУПУРГАНЛАР

ёхуд туз ўғрилари хусусида

Маълумки, Навоий вилоятининг учдан икки қисми чўл ва ярим чўл зонаси, Қизилқум кенгликларидан ташкил топган. Бу кенгликларда у ёки бу аҳамиятга эга бўлган 11 та туз конлари бўлиб, улар республика аҳолиси эҳтиёжи учун хизмат қилмоқда. Бироқ юлдузни бенарвон урадиганлар ўтган йили ана шу конлардан килолаб эмас, тонналаб туз ўғрилашга, ўғрилаганда ҳам мамлакат ичкарисига эмас, ноқонуний равишда четга сотишга ҳаракат қилишди. Вилоят божхона хизматининг ҳушёр ходимлари ана шундай ўндан зиёд ҳолатларни аниқлади. Масалан, 5-сонли сайёр назорат аъзолари «КамАЗ» русумли автоуловни тўхтатганда, унда 5 тонна туз ноқонуний йўл билан олиб кетилаётгани аниқланди. Уни қўшни Қозоғистон Республикаси фуқаролари Кожакелди Мирзааҳмедов ва Бойбет Мирзааҳмедовлар ўмаришаётган эдилар.

11-божхона назорати ходимлари ҳам худди шундай ҳаракатда бўлган Турдимурод Ўтанов бошқариб бораётган «ГАЗ-53» русумли автоуловни «Конимех—Еттисой» йўналиши бўйлаб кетаётганда тўхтатди. Аниқланишича, унда 1 тонна туз, 2 бош қорамол бўлиб, улар ғайриқонуний йўл билан олиб кетилаётган эди. Шу божхона назорати ходимлари ўтган йилнинг 20 сентябрида «Зарафшон—Томди» айланма йўли орқали Қозоғистон Республикасига кетаётган

Божхона бекати

«ГАЗ-53» русумли машинани тўхтатганда, унда ҳам 1 тонна туз олиб кетилаётганини аниқлади. Уни Чимкент вилояти, Еттисой тумани, Макарова кўчаси, 25-уйда яшовчи Талғат Қалдибоев «гум» қилаётганди. Алтинбек Дуйсунбеков бу борада ҳаммадан ўтиб тушди. У 7250 кг. тузни ўғрилаётганда ушланди. Унинг ҳамтовоғи Р. Ахатов ҳам 8800 кг. тузни «ош» қилмоқчи бўлганда тумшуғидан илинди. Бунинг устига у туз остига 83 та ҳайдов трактори учун қисмлар, 16 та комбайин мотори учун ва «МТЗ» трактори учун эҳтиёт қисмларни республикамиздан ташқарига олиб чиқишга уринган экан.

Шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, Қизилқум ҳам эшиксиз эмас. Шу озод юртнинг тузини еб, тузлиғига тупуриш гуноҳдир.

Ш. МУЗАФФАРОВ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Б. АБДУСАТТОРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 32021 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0887

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

АНГЛИЯДА ҲАМ БИРИНЧИ



Сўзсиз сурат.

Халқаро шахмат турнирлари тарихида 1895 йили асос солинган Гастингс Янги йил турнирлари алоҳида ўрин тутади. Бу мусобақаларда жаҳоннинг барча чемпионлари қатнашган. Бу йилгиси ҳисоб бўйича 73-си экан. Унинг бош турнирдан кейинги биринчи баҳсида қатнашиш шарафига муяссар булганлар орасида ўзбекистонлик гроссмейстерлар Михаил Салтаев, Сайдали Йўлдошев ва халқаро мастер Дмитрий Қаюмов ҳам борлигидан мамнуният ҳосил қилдик, албатта.

Юздан ортиқ манаман, деган иштирокчилар ўртасида бошланган баҳснинг дастлабки куниданоқ пешқадамликни қўлга олган Михаил Салтаев суръатни бўшаштирмай, маррага биринчи бўлиб келди. Низомга кўра, у навбатдаги Гастингс шахмат фестивалининг асосий баҳсида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундайлар кейинги юз йиллик мусобақалар тарихида унчалик кўп эмас. Йўлдошев билан Қаюмов анчагина нуфузли ўринларни банд этишди. Мамлакатимиз шахматчиларининг жаҳон миқёсида ардоқ топаётгани таҳсинга лойиқдир.

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

2

АРДОҒИМИЗДАГИ КЕЛАЖАК

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бугунги кунда мустақил мамлакатимиз жамоатчилигининг диққат марказида. Зотан, ҳар бир мустақил давлат келажаги асосини соғлом авлод ташкил этишини истайди. Касби туманидаги болалар шифохонасида бўлганимда мен буни яна бир карра ҳис этдим.

Мавжуд — жонлантириш, чақалоқлар, умумий болалар, асаб касалликлари, физиотерапия, реабилитация бўлимларида тартиб-интизом ғ́исоладагидек. Хоналар тоза, озода, мўътадил.

— Бўлимимиз ўтган йилнинг март ойидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон миқёсида туғиш ёшидаги хотин-қизларни соғломлаштириш дастурига жавобан ташкил этилди, — дейди реабилитация бўлими бошлиғи, биринчи тоифали врач Фармон Худойбердиев. — Бу ерда асосан болаларни озиқлантириш, тарбиясига доир маслаҳатлар, исталмаган ҳомиладорликдан сақлашнинг йўл-йўриқлари тушунтирилади. Бунинг учун терапевт, акушер-гинекологларимиз ҳар бир она-бола билан мунтазам шуғулланишаяпти. Туманимизда 24 минг нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар бор. Илгари аёллар ўртасида танаффуссиз туғиш ҳолатлари кўп учрарди. Натижада нимжон, касалманд болалар кўпайди. Мана шунинг учун ҳам оилани режалаштириш катта аҳамиятга эга. Тўғри, ўнлаб ва ундан ортиқ кишилардан иборат бўлган оилалар ҳам бор. Уларда она ҳам, болалар ҳам соғлом. Аммо бу жуда нисбий.

Луқмони Ҳаким беморга кўрсатиладиган дастлабки ёрдам ширин лутф ва меҳр эканлигини айтган эканлар. Мен бунинг ифодасини Касби туманидаги болалар шифохонаси тиббиёт ходимларининг юзларида, кўзларида балқиган меҳрда кўрдим.

Илҳом КАРОМОВ.

ЛАТИФАЛАР

Шеър ёзишга қизиқадиган бир аёл Маҳмад Чинорлидан сўради:

— Маҳмадбек аёллар яхшироқ шеър ёзишадими, эркаклар?

— Эркаклар.

— Ие, қанақасига? Аёл киши шунчалик нозиктаъб, мулойим, гўзал яратилган бўлса-ю, яхши шеърни қўполдан қўпол эркаклар ёзса?

— Хоним гап бунда илҳом масаласидир. Биз эркаклар ўша нозиктаъб, гўзал аёллардан илҳомланиб шеър ёзамиз. Аёллар эса биздай қўпол яралмишлардан нима илҳом ҳам олар эдилар?!

* * *

Жуда кўп тамаки чекадиган бир меҳмон кетар экан, у ёқ-бу ёққа қарайверибди:

— Ҳеч нарсам қолиб кетмадимикан?

— Қолди, —дебди мезбон.

— Нима?

— Тутунингиз.



ҲИКМАТЛАР

Луқмони Ҳакимдан:

— Хастага нима едирайлик? — деб сўрабдилар.

— Аччиқ сўздан бошқа нима едирсангиз едираверинг, — дебди Ҳаким.

* * *

Хастани Аллоҳ даволайди, ҳақини табиб олади.

* * *

Олмос каби бўлки, ёнсанг, на ерда кулинг, на кўкда тутунинг қолсин!

* * *

— Эҳ ёшлик, ёшлик! Сувдай ўтиб кетди-я!

— Қарилик ҳам!

* * *

Бир олим ғийбатчига дебди:

— Айтайлик, сен ёмонлаётган одамнинг обрўси камайди, аммо бу тўкилган обрў сеникига келиб қўшилмайди-ку!

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Америкада кўпгина штатларнинг номи маълум маънога эга. Бу мамлакат туб аҳолисининг тили билан боғлиқ. Қуйида келтирилаётган 10 та штат номининг маъносини эътиборингизга ҳавола этилаётган вариантлар орасидан топишга уриниб кўринг.

1. Миссисипи. 2. Калифорния. 3. Аляска. 4. Вермонт. 5. Техас. 6. Гавая. 7. Оклахома. 8. Невада. 9. Кентукки. 10. Колорадо.

Номларнинг маъноси: а) испанча, «жаннатмакон ер»; б) испанча, «қизил ранг»; в) алеутча «орол бўлмаган ер»; г) туб аҳолининг «ҳудолар макони» деган сўзи; д) ҳиндуларнинг «ўтлоқлар мамлакати» ифодаси; е) ҳиндуларнинг «катта дарё» сўзи; ж) ҳиндуларнинг «қизил одам» сўзи; з) ҳиндуларнинг «дўстлар ва иттифоқчилар» сўзи; и) «яшил тоғ» дегани; к) испанча, «қор билан қопланган қоя» сўзи.

ЖАВОБЛАР:

1-е, 2-а; 3-в; 4-и; 5-з; 6-г; 7-ж; 8-к; 9-д; 10-б.

А. РЎЗИЕВ тайёрлади.

КОРХОНА ҲАМДА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОЧИҚ ТУРДАГИ «ЭСКИ ЖЎВА» БОЗОРИ ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

СИЗЛАРНИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ 1000 СЎМ БЎЛГАН АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА **ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Агарда сиз бозор акцияларини сотиб олсангиз, молиявий аҳволингиз янада ошишга кафолат берамиз. Хонимлар ва жаноблар! «Эски Жўва» бозори акцияларини сотиб олишга шошилинг!

Тўлов усули — нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28.
Телефонлар: 42-46-90, 42-52-46.

«ОСИЁ—ВОЛГА» МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини **СОТАДИ**

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 а уй, 221-хона
Тел\факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.



ТАШКИЛОТ

«ГАЗЕЛ» АВТОМАШИНАСИНИ (1996 йилда ишлаб чиқарилган) ва **ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАРИНИ СОТАДИ**

Ҳақ тўлаш шакли — турлича. **Тел: (3712) 41-87-73.**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 1997 йил 17 июнда Турсунхўжаева Ҳурматхон номига берилган 1002651-рақамли «Хусусий тадбиркорлик гувоҳномаси» йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси томонидан 1995 йил 24 майда Убайдуллаев Бахтиёр Қўчқорович номига берилган ИГ № 01186 рақамли (шахсий инкассаторлик гувоҳнома) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, кекса журналист **Санда МУҲАММЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади ва марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.